

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

346 Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2009 йил 27 апрелдаги ПҚ–1106-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети (кейинги ўринларда Университет деб аталади) бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 24 нафар бўлган ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Университет ректорига муассислар билан келишган ҳолда, зарурият бўлса, бошқарув ходимларининг тасдиқланган умумий сони доирасида Университет ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Қосимов ва У.У. Розуқлов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 июль,
211-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 23 июлдаги 211-сон қарорига
ИЛЮВА

**Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони — 24 нафар.
Профессор-ўқитувчилар, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сони амалдаги нормативларга мувофиқ белгиланади.